

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Депутатлар хусусий мулк ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарликни кучайтиришни таклиф этмоқдалар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида ишбилармонлик муҳитини яхшилашга йўналтирилган бир қатор қонун лойиҳалари қўриб чиқилди.

Депутатлар Давлат хизматлари марказлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар. Хусусан, тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи «ягона дарча» тизими қайта ташкил этилганлиги боис, қонунда улар негизда ташкил этилган янги тузилмаларнинг мақоми ва ваколатлари мустаҳкамланмоқда.

Шунингдек қуйидагилар учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кучайтириш назарда тутилган қонун лойиҳаси қўриб чиқилди:

- хусусий мулк ҳуқуқини бузиш;
- тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-ҳўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш;
- лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш;
- тадбиркорлик субъектларини ҳомийлик қилишга ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш;
- тадбиркорлик субъектларидан қонун ҳужжатларини бузган ҳолда ҳужжатлар



талаб қилиб олиш, умуман қонуний тадбиркорлик фаолиятига аралашганлик.

Бундан ташқари, Президентнинг 23.03.2018 йилдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга йўналтирилган қонун лойиҳаси парламентарийлар диққат марказида бўлди. Ҳужжат билан микромолиялаш хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, шу жумла-

дан микромолиялаш хизматлари бўйича тўловларни асоссиз равишда оширишга йўл қўймаслик бўйича меъёрларни жорий қилиш назарда тутилган. Депутатларнинг мулоҳазасига кўра, киритилаётган ушбу қоидалар микромолиявий хизматлар истеъмолчилари зиммасига тушадиган қарз юқини камайтириб, тўлов қобилиятини яхшилаш ҳамда ижтимоий ҳимоясини кучайтириш имконини беради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси материали асосида.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди

Президентнинг 29.06.2018 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниши билан мамлакат солиқ тизими қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги баҳс-мунозараларга барҳам бериладиган бўлди. Тасдиқланган Концепция бизнеснинг малол келмайдиган солиқларга бўлган талаби билан жамоат эҳтиёжларини молиялаштириш зарурати ўртасида мувозанат ўрнатишга йўналтирилган.

Концепция солиқ солишда қуйидаги умумжаҳон тамойилларини амалга ошириб, мамлакатимиздаги солиқ солиш тизимини ислоҳ қилмоқда:

- солиқ юки солиқ тўловчининг ташкилий-ҳуқуқий шакли, фаолият тури ва миқёсига боғлиқ эмас;
- микробизнес солиқ солишининг соддалаштирилган тартибини танлаш ҳуқуқидан фойдаланади;
- ресурс солиқларининг қўлланилиши кўчмас мулк, сув ва ердан самарали фойдаланишни рағбатлантиради;
- тадбиркорлар дивидендлар тарзида оладиган даромадларга пасайтирилган ставкаларда солиқ солинади;
- солиқ базаси ўсиб боришига қараб солиқлар аста-секин пасаяди.

Айланмангиз миллиарддан ошмаса
Йиллик обороти 1 млрд сўмгача бўлган корхоналар қуйидаги солиқларни тўлайдилар:

➤ 4 фоизлик ставкада оборотдан (яппи тушумдан) солиқ;

➤ ресурс солиқлари: юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи (2%лик ставкада), ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ. Бу микробизнес учун малол келиш-келмаслигини Солиқ кодексининг янги таҳрири кўрсатади. Бироқ ушбу солиқларни ҳисоблаш вазифаси микробизнеснинг эмас, балки давлат тузилмалари зиммасига юклатилиши ҳақида қарор қабул қилиниб бўлди;

➤ ихтиёрий равишда ҚҚС. Микробизнес субъекти мижозлари ҚҚС тўловчилари бўлса, бу фойдали бўлиши мумкин.

Соддалаштирилган тартибни қўлаш учун тушумнинг чегаравий миқдори 3 йилда камида 1 марта қайта қўриб чиқилади.



Миллиард сўмдан ортиқми – ҚҚС ёки фойда солиғи тўлайсиз

Йиллик обороти 1 млрд сўмдан ошадиган ҳўжалик юритувчи субъектлар ресурс солиқларидан ташқари ҚҚС ва фойда солиғини тўлайдилар.

2019 йилда ҚҚС ставкаси 20% даражасида сақланади. Кейинги йил якунлари бўйича солиқ ҳисобига олишни ривожлантириш, солиқ солиш базасини аниқлаштириш ва имтиёزلарни қисқартириш орқали ставкани пасайтириш режалаштирилмоқда. ҚҚСни ҳисоблаш тартибига ҳам ўзгартириш киритилиши керак. Мақсад – ҳисоб-китобларни соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини енгиллаштириш. Хусусан, сотиб олинadиган асосий воситалар, қурилиши тугалланмаган объектлар ва номоддий активлар нархига киритиладиган ҚҚСни ҳисобга олиш суммаларига киритишга рухсат берилади.

Қўпгина ҳўжалик юритувчи субъектлар учун фойда солиғи ставкаси 14%дан 12%гача, тижорат банклари учун 22%дан 20%гача пасаяди. Уяли алоқа компаниялари ҳам фойда солиғини 20%лик ставкада тўлайдилар.

Дивидендлар ва фойзалар кўринишидаги даромадлардан солиқ – ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар учун 10 фоиздан 5 фоизгача пасайтирилади.

Барча умумбелгиланган солиқларни тўловчилар учун бугунги кунда давлат мақсадли жамғармаларига оборотдан 3,2% миқдорда ундирилаётган мажбурий ажратмалар бекор қилинади.

Нималар ўзгармайди

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун алоҳида солиқ солиш тартиби аввалгидек қолади. Улар ҳозиргидек ягона ер солиғини тўлайдилар.

Хусусийлаштирилган ҳамда бошқа объектлар ва ресурслардан самарасиз фойдаланувчи шахслар учун ер солиғи ва мол-мулк солиғининг оширилган ставкаларидан фойдаланиш ҳам сақланади.

2-бетда

Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

Солиқ сиёсати
концепцияси тасдиқландиТИФ янада тартибга
солинади

7-БЕТ

Божхона расмийлаштирувида
қандай ўзгаришлар рўй берди

7-8-БЕТЛАР

Турар жойни
ноқонуний қурганмисиз?



Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди

ЖШДСнинг 12%лик ягона ставкаси, 12%лик ЯИТ ставкаси жорий этилади, ПЖга сугурта бадаллари бекор қилинади

2019 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги чора-тадбирлар ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ юки камайтирилади.

Биринчидан, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг ягона ставкаси 12% миқдорида жорий этилади. Даромад ҳажмидан қатъи назар, солиқ ушбу ставкада ҳисобланади ва тўланади. 12%дан 0,1%и шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига йўналтирилади.

Бунда айрим тоифадаги жисмоний шахслар учун 4 ЭКИҲгача даромадларни ЖШДСдан озод қилиш

тарзидаги имтиёзлар сақланиб қолади (*Солиқ кодексининг 180-моддаси 2-қисми*).

Иккинчидан, фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари бекор қилинади. Ҳозир ушбу бадаллар ставкаси 8%ни ташкил этади.

Учинчидан, пенсия тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида ягона ижтимоий тўловнинг қуйидаги ставкалари жорий этилади:

25% – бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари ҳамда устав жамғармасида давлат улуши 50% ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар, шунингдек устав жамғармасининг 50%и ва ундан кўпроқ миқдори давлат улуши 50% ва ундан кўпроқ

бўлган юридик шахсга тегишли юридик шахслардан;

15%дан 12%га пасайтирилган ставка – бошқа юридик шахслардан.

Эслатиб ўтамиз, ҳозир 15%лик ставкадаги ЯИТни фақат микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликлари тўлайди. Бошқа тўловчиларга нисбатан 25%лик ставка қўлланилади.

Экспертларнинг баҳолашича, меҳнатга ҳақ тўлаш фондига умумий солиқ юки қуйидаги миқдорда пасаяди:

➤ давлат капитали бўлмаган ёки у 50%дан кам бўлган корхоналар учун – ўрта ҳисобда 1,58 баравар;

➤ давлат капитали 50 ёки ундан ортиқ фоизни ташкил этган корхоналар учун – ўрта ҳисобда 1,3 баравар.

Эълон



АУДИТОР ВА БУХГАЛТЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ҳурматли аудитор ва бухгалтерлар!

Сизни «2018 йилнинг энг яхши аудитори», «2018 йилнинг энг яхши бухгалтери» ва «2018 йилнинг энг яхши ички аудитори» республика танловларида ўз кучингизни синаб кўришга таклиф қиламиз

Танловлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг кўмаги остида ўтказилади.

Танлов ташкилотчилари – Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Аудиторлар палатаси, Ўзбекистон бухгалтерлар федерацияси, «Солиқ ва божхона хабарлари» ва «Солиқ Инфо» газеталари тахририятлари. Техник кўмак «ILMFANRIVOJ» HTM томонидан кўрсатилади.

«Энг яхши аудитор», «Энг яхши бухгалтер» ва «Энг яхши ички аудитор» йиллик республика танловлари аудитор ва бухгалтер касбининг нуфузини ошириш, жамиятдаги аҳамиятини кучайтириш, шунингдек, мутахассисларнинг касбий маҳоратини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

«2018 йилнинг энг яхши аудитори» танловига аудиторлик малака сертификатига эга бўлган мутахассислар;

«2018 йилнинг энг яхши бухгалтери» танловига амалиётчи бухгалтерлар;

«2018 йилнинг энг яхши ички аудитори» танловига ички аудитор сертификатига эга бўлган мутахассислар таклиф этилади.

Танлов шарти – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшашлик. Иш стаж, иш жойи ва республика профессионал жамоат уюшмаларига аъзолиги аҳамиятга эга эмас.

Танловлар 2 босқичда ўтказилади:

I босқич (саралаш) – 2018 йилнинг 10 июлидан 30 сентябргача. Сиртдан ўтказилади. Танлов қатнашчиси:

• танлов тест саволларига жавобларни www.bir.uz сайтида («2018 йил танловлари» бўлимида) онлайн тест топшириши

ёки

• жавобларни konkurs2018ifr@mail.ru электрон манзилига жўнатиши зарур.

II босқич – 2018 йил 17 ноябрда. I босқич ғолиблари бевосита Тошкент шаҳрида имтиҳон топширадилар.

Ғолиблар касбий билим ва кўникмалар, улардан профессионал фаолиятда моҳирона фойдаланиш каби мезонлар буйича аниқланади.

Танлов ғолиблари 2018 йил 9 декабрда эълон қилинади.

Танлов ғолиблари ва қатнашчилари учун соврин ва рағбатлантирувчи мукофотлар:

• I босқич қатнашчиларига танловда қатнашганликлари учун сертификат топширилади;

• II босқич қатнашчиларига «Танлов лауреати» дипломи топширилади;

• II босқич ғолибларига даражаси кўрсатилган диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилади;

• «2018 йилнинг энг яхши аудитори» танлови ғолиблари, лауреатлари ва қатнашчилари ўзларининг аудиторлик ташкилотларига аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг йил якунлари рейтингини ўтказишда қўшимча бааллар олиш ҳуқуқини берадилар;

• Танлов лауреатларига танлов ташкилотчиларининг ўқув марказларида ўқиш ва малака оширишда имтиёзлар тақдим этилади;

• «2018 йилнинг энг яхши бухгалтери» танлови қатнашчиларига (5 соат) ва лауреатларига (15 соат) бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбарининг малакасини мажбурий ошириш сифатида қабул қилинади.

«2018 йилнинг энг яхши аудитори», «2018 йилнинг энг яхши бухгалтери» ва «2018 йилнинг энг яхши ички аудитори» танловларида қатнашиш учун қуйидагилар зарур:

1) «ILMFANRIVOJ» HTM банк ҳисобрақамига тўлов кунда амалда бўлган ЭКИҲ миқдорида тенг бир марталик бадал тўлаш;

2) тўлдирилган анкетани «ILMFANRIVOJ» HTM офисига жўнатиш ва анкетани тўлдирган ҳолда (бухгалтерлар иш жойларида маълумот илова қилишлари керак) www.bir.uz сайтидаги «2018 йил танловлари» бўлимида рўйхатдан ўтишлари керак;

3) I босқич тест саволларига жавобларни 2018 йил 30 сентябргача – www.bir.uz сайтида («2018 йил танловлари» бўлимида) онлайн тест топшириш ёки konkurs2018ifr@mail.ru электрон манзилига жўнатиш зарур.

Танловларнинг баъра қатнашчиларига муваффақиятлар тилаймиз!!!

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ
СОЛИҚ ИНФО

Танловларда қатнашишга доир саволлар бўйича зарур ахборот олиш учун қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин:

«ILMFANRIVOJ» HTM

Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси

(71) 234-19-01, (71) 234-18-90,
(71) 235-46-87, (90) 324-60-78 – Гулбаҳор,
(93) 593-25-57 – Светлана
www.naaa.uz

Ўзбекистон аудиторлар палатаси

(71) 234-81-99; 235-76-51; (95) 197-81-99;
www.uzaudit.uz (71) 234-01-87, (71) 235-26-79;
Ўзбекистон бухгалтер федерацияси
(71) 120-30-10; www.uzaccountant.uz

«Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси тахририяти

(71) 283-44-57, 200-00-90; www.norma.uz

«Солиқ Инфо» газетаси тахририяти

(71) 200-70-07, 200-70-50; www.soliqinfo.uz

Танловларда қатнашишга доир қўшимча ахборотлар (анкета, тест саволлари, тўлов учун ҳисоб) ва танловларга ҳомийлик қилиш ҳақида қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси «ILMFANRIVOJ» HTM

naba@naaa.uz; zamira@naaa.uz;
sveta@naaa.uz; konkurs2018ifr@mail.ru
(71) 234-19-01, 234-18-90, 235-46-87, 234-01-87,
235-26-79, (90) 324-60-78 – Гулбаҳор,
(93) 593-25-57 – Светлана

Танловларнинг баъра қатнашчиларига муваффақиятлар тилаймиз!!!

УШБУ СОНДА

• ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

– Депутатлар хусусий мулк ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлиқни кучайтиришни таклиф этмоқдалар

1-бет

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

1-2, 7-8-бетлар

• РАСМИЙ ҲУҶЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг Фармони

– «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг қарори

– «Ўзбекистон Республикасининг

ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

Идоравий меъёрий-ҳуқуқий

ҳужжат:

– ЎзР МБ Бошқарувининг «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида

кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати

тўғрисида 2018 йил 9 июндан

22 июнгача бўлган маълумот

3-6-бетлар

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» газеталари бirlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАР

● УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

– «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида».

● УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

– «Ўзбекистон Республикасининг таъқиқ иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

● ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ:

– ЎзР МБ Бошқарувининг «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

● МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҚОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 9 ИЮНДАН 22 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА*

Солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодий тизим тезкор ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилашнинг муҳим шартлари ҳисобланади.

Шу билан бирга, ўрганишлар натижалари мазкур соҳада бир маромда иқтисодий ўсишга, ишбилармонлик ва инвестициявий фаоллиқни оширишга, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлиги зарурий даражасини таъминлашга тўқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммоларни кўрсатди, хусусан:

Биринчидан, умумбелгиланган солиқларни тўловчилар учун солиқ юки даражасининг юқорилиги, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизимда солиқларни тўлайдиган ҳўжалик юртувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги фарқнинг сезиларлилиги;

Иккинчидан, қўшилган қиймат солигини ундиришнинг самарасиз тизими, солиқ тўловчиларнинг айланма маблағларини жалб қиладиган, шунингдек, истеъмол маҳсулотининг оралиқ ва якуний қиймати қимматлаштиришга олиб келадиган ҳамда йирик ва кичик бизнес ўртасидаги кооперацияни ривожланишига тўқинлик қиладиган мажбурий тўловларнинг мавжудлиги;

Учинчидан, солиқ тўловчилар томонидан ҳодимларнинг реал сонини ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан аширишга олиб келувчи меҳнатга ҳақ тўлаш фонди солиқ ставкаларининг юқорилиги;

Тўртинчидан, ҳўжалик юртувчи субъектларни солиқ ва божхона, шу жумладан, индивидуал хўсусятга эга бўлган имтиёзлар ҳисобига қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўлмалли амалиёти, натижада соғлом рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи имтиёзларнинг самарадорлигини назорат ва мониторинг қилиш тизимининг мавжуд эмаслиги;

Бешинчидан, давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ахборот алмашиш механизмининг, электрон солиқлар маъмуриятчилиги ҳамда солиқ назоратини амалга оширишнинг шакли ва услубларининг такомиллашмаганилиги;

Олтинчидан, ўтказиладиган назорат тадбирларининг сифатига

салбий таъсир кўрсатувчи ва инсофли тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига аралашиларни камайтиришга тўқинлик қиладиган назорат фаолиятини амалга оширишда хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва бошқаришнинг аниқ тизими йўқлиги;

Еттинчидан, маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг маъмуриятчилиги механизмининг самарасизлиги оқибатида уларни йиғилувчанлик даражаси етарли эмаслиги, шунингдек, кўчмас мулк ва ер участкаларини тўлиқ ҳисобга олиш ва қийматини объектив аниқлашнинг мавжуд эмаслиги.

Мавжуд тизимли муаммоларни бартараф этиш, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган солиқ юкини камайтириш ва солиқ солиш тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш вазифаларини амалга ошириш мақсадида, шунингдек, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижалари ҳамда Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва халқаро экспертларнинг тавсияларидан келиб чиқиб:

1. Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

иқтисодийта солиқ юкининг даражасини камайтириш, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизими бўйича солиқларни тўлайдиган ҳўжалик юртувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги номуаносибликларни бартараф этиш;

солиқларни унификация қилиш йўли билан уларни мақбуллаштириш, ўқшаш солиқ солиш базасига эга бўлган солиқларни бирлаштириш, солиқ ҳисоботларини қисқартириш ва соддалаштириш, операция ҳаражатларини минималлаштириш;

макронийсодий вазиятнинг барқарорлигини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет ва унинг даромадларини мустаҳкам шакллантиришни таъминлаш;

солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ муносабатлари соҳасида норматив-ҳўқуқий ҳўжжатлардаги зиддиятлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳўқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кўчайтириш;

*Ушбу Фармон «Халқ сўзи» газетасининг 30.06.2018 йилдаги 132 (7090)-сонида расман чоп этилган.

солиқ солиш масалаларини тартибга соладиган ҳавола қилувчи нормалар ва қонун ости ҳужжатларини максимал даражада чекланган ҳолда солиқ қонунчилигининг барқарорлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш, шу жумладан, кодексда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкалари миқдорларини белгилаш;

хорижий инвесторлар ва инвестициялар учун қулай режими сақлаб қолиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш;

солиқ назоратининг шакл ва механизмларини, шу жумладан, солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ тўловчиларни янада қўлқамраб олиш ва ҳисобини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш, трансфер нархларни шакллантириш билан боғлиқ операцияларга солиқ солиш тартибини жорий этиш.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида 2019 йил 1 январдан бошлаб:

а) **биринчидан**, меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ юки қуйидагилар орқали камайтирилади:

барча фуқаролар учун жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солигининг ягона ставкасини 12 фоиз миқдорда жорий этиш, шундан 0,1 фоизини шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига йўналиштириш. Бунда, фуқароларнинг айрим тоифалари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари миқдордаги даромадларини солиқ солишдан озод қилишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади;

фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолиннадиган сугурта бадалларини бекор қилиш;

пенсия тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида, бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитал)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, бошқа юридик шахснинг устав жамғармаси (капитал)нинг 50 фоизи ва ундан кўпроқ қисми тегишли бўлган устав жамғармаси (капитал)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахслар ҳамда уларнинг таркибий тузилмалари учун ягона ижтимоий тўлов миқдори 25 фоиз этиб, қолган юридик шахслар учун 15 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилган ставкада белгилаш;

б) **иккинчидан**, айланмадан (ялпи тушумдан) солиқларни оптималлаштириш билан умумбелгиланган ва соддалаштирилган солиқлар тўловчиларни солиққа тортиш, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибига ўтиш мезонлари қуйидагилар орқали такомиллаштирилади:

давлат мақсадли жамғармаларига юридик шахсларнинг айланмасидан (ялпи тушумидан) ундириладиган мажбурий ажратмалар бекор қилиш;

юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ставкасини 14 фоиздан 12 фоизгача, тижорат банклари учун – 22 фоиздан 20 фоизгача пасайтириш, шунингдек, мобил алоқа хизмати кўрсатаётган юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) учун, рентабеллик даражасидан келиб чиқиб улар учун қўшимча фойда солиғи ҳисоблаш тартибини бекор қилган ҳолда 14 фоиздан 20 фоизгача ошириш;

дивидендлар ва фойзалар қўринишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаидан ушлаб қолиннадиган фойда солиғи ставкасини 10 фоиздан 5 фоизгача пасайтириш;

ўтган йил якунлари бўйича йиллик айланмаси (ялпи тушуми) 1 миллиард сўмдан ошган ёки жорий йил давомида ушбу белгиланган чегаравий миқдорга етган корхоналарни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш. Бунда, йиллик айланманинг (ялпи тушумнинг) 1 миллиард сўм этиб белгиланган чегаравий миқдори ҳар 3 йилда камиди бир марта қайта қўриб чиқилади;

барча тadbиркорлик субъектлари, шу жумладан, айланмаси (ялпи тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлган юридик шахслар учун юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этиш;

қўшимча фойда солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини, шу жумладан, роялти тўлашни жорий этиш орқали такомиллаштириш;

в) **учинчидан**, солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби бўйича солиқ тўловчиларга солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг салбий таъсирини камайтириш чоралари қуйидагилар орқали амалга оширилади:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасини, бино ва иншоотлардан, шу жумладан, илгари хусусийлаштирилган объектлардан самарасиз фойдаланаётган юридик шахслар учун юқори ставкада солиқ ҳисоблаш тартибини сақлаб қолган ҳолда 5 фоиздан 2 фоизга пасайтириш;

йиллик айланмаси (ялпи тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлган солиқ тўловчилар учун айланмадан (ялпи тушумдан) солиқни 4 фоиз миқдордаги базавий ставкадан келиб чиқиб ҳисоблаш ва тўлаш тартибини ҳамда ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлаш имкониятини белгилаш;

ягона ер солиғи тўловчилари учун амалдаги солиқ солиш тартибини сақлаб қолиш.

г) **тўртинчидан**, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қуйидагилар орқали такомиллаштирилади:

қўшилган қиймат солиғини тўлиқ ҳисоба олиш тизимини жорий қилиш, солиқ солиш базасини аниқлаштириш ва имтиёзлар сонини камайтириш, шунингдек, 2019 йил якуни бўйича маъмур солиқ ставкасини пасайтириш орқали қўшилган қиймат солиғининг 20 фоиз миқдордаги амалдаги ставкасини сақлаб қолиш;

ҳозирги вақтда сотиб олиннадиган асосий воситалар, қурилиш тугалланмаган объектлар ва номоддий активлар нархига киритиладиган қўшилган қиймат солиғини ҳисоба олиш суммаларига киритиш ҳуқуқини бериш;

тегишли тadbирларни молиялаштириш учун маблагларни республика бюджетига ўтказиш йўли билан алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг ҳар бир ишлаб чиқариладиган маҳсулот бirlлигига ўрнатилган акциз ва йиғимларни бирлаштириш.

3. Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш ва самарасиз солиқ ва боғжона имтиёзлари ҳамда преференцияларини бекор қилиш бўйича янгиланган ишчи комиссия таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи комиссия (Б.Мавлонов):

бир ҳафта муддатда тегишли йўналишлар бўйича эксперт гуруҳлари фаолиятини, шу жумладан, улар ишига солиққа тортиш соҳасида амалий тажрибага эга экспертлар ва бизнес вакилларини жалб қилган ҳолда ташкил этсин;

2018 йил 1 ноябрга қадар самарасиз солиқ ва боғжона имтиёзлари ҳамда преференцияларини бекор қилиш, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ ва Боғжона кодексларига мувофиқ доимий амалда бўладиган солиқ ҳамда боғжона имтиёзларини тaқдим этиш тартибини жорий қилиш бўйича тақлифлар тайёрлашни таъминласин;

2018 йил 1 декабрга қадар янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси лойиҳасини Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар экспертларини жалб қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, унинг кенг жамоатчилик муҳокамасини таъминлаган ҳолда ишлаб чиқишни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси лойиҳасини

тайёрлашда ва Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислох қилишда техник жиҳатдан кўмаклашишни таъминлаш учун Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банкининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

а) солиқ мажбуриятларини бажарувчи солиқ тўловчилар маъмурий харажатларининг кескин ошишини олдини олишга қаратилган қўйидагиларни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар тасдиқласин;

давлат солиқ хизмати органлари ходимлари ва солиқ тўловчиларнинг, шу жумладан, қўшилган қиймат солиғи ва юридик шахсларнинг фойда солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш бўйича малакасини ошириш;

солиқ ҳисоботини соддалаштириш ва унинг автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритувчи давлат дастурий маҳсулотлар билан интеграциялашувини таъминлаш;

солиқ маъмуриятчилигини, шу билан бирга, солиқларни тўлаш даврийлигини тубдан тақомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурини;

пенсияларни ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақининг персоналлаштирилган ҳисобини юритиш тартибини жорий қилиш;

б) яқна тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилишига рухсат этилган фаолият турларини танқидий қўриб чиқиш ва қисқартиришни таъминласин;

в) маълумотлар базалари солиқ органларининг Ягона интеграциялаштирилган ахборот-ресурс базасига интеграция қилинадиган давлат органлари ва ташкилотларнинг рўйхатини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар вазирлик ва идораларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун фойдаланиладиган маълумотлар базаси ишончилигини ўргансин ва уларнинг ишончилигини таъминлаш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда юридик шахслар кўчмас мулкнинг бозор қийматини аниқлаш механизмининг оммавий баҳолаш бўйича илгор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда жорий қилиш юзасидан комплекс чора-тадбирларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банки ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2018 йил 1 августга қадар стратегик режалаштириш ва прогнозлашнинг замонавий услубларидан фойдаланган ва мазкур Фармон билан белгиланган солиқ тизимини ислох қилиш чора-тадбирларини инobatта олган ҳолда 2019–2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривонлаштиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнозини ишлаб чиқишни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров:

2019 йил учун бюджетномада ушбу Фармон билан белгиланган тартиб ва қондаларни назарда тутсин;

2019 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини тақдим этиш билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларининг 2020–2021 йилларга мўлжалланган ўрта муддатли бюджет мўлжалларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2019–2021 йилларга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ишлаб чиқишда хориждан жалб қилинадиган маблағлар ҳисобига молиялаштириладиган сарф-харажатларини инobatта олманган ҳолда унинг мутаносиблигини таъминласин.

8. Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги раҳбарлари, шунингдек, уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бюджет тизими бюджетларининг прогноз параметрлари бажарилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

9. Молия-бюджет интизомини мустаҳкамлаш ва Ўзбекистон Республикаси бюджетининг баланслашган иқросини таъминлаш учун:

вазирликлар ва идоралар, ишончли бошқарувчилар ҳамда давлатнинг ишончли вакиллари 2019 йилдан бошлаб устав капиталидаги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ҳўжалик бирлашмалари томонидан дивидендлар сўзсиз ҳисобланишини, шунингдек, амалдаги қонунчиликка мувофиқ давлат унитар корхоналари томонидан уларнинг соф фойдасидан 30 фоиз миқдорда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ажратилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривонлаштириш давлат қўмитаси 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда давлат мулки бўйича ижара тўловларининг минимал ставкаларини ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қайта қўриб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ йиғилишини, иш билан банд фуқароларнинг максимал қонунийлаштирилишини ва иш ҳақи фондини қўлайтиришни таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси билан келишган ҳолда икки ой муддатда қадам-бақадан аниқ харакатларни ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти, давлат солиқ, молия органлари ва бошқа органларнинг, шунингдек, улар мансабдор шахсларининг қатъий жавобгарлигини назарда тутган ҳолда солиқ солиш базасини кенгайтириш, бюджетга қўшимча тушум манбаларини аниқлаш, шунингдек, унинг баланслигини ҳамда дефицит юзга келишига йўл қўймаслиқни таъминлаш бўйича тўманлар ва шаҳарлар кесимида «Йўл хариталари»ни тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Миллий телевидиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини кенг тушуништириш ишларини, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғи орқали тизимли равишда ташкил этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ҳисоб палатаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги Савдо-саноат палатаси билан биргаликда икки ой муддатда солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш фактларини бартараф этишга, жисмоний ва юридик шахсларнинг солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўламаганликлари учун масъулиятини оширишга қаратилган чораларни қўлайтириш бўйича тақтифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг иқросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ш.МИРЗИЁЕВ.*

*Тошкент шаҳри,
2018 йил 29 июль.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАРТИБГА СОЛИШ ҲАМДА БОЖХОНА-ТАРИФ ЖИХАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Ўтган давр мобайнида мамлакатда халқаро иқтисодий ҳам-
жамиятга интеграциялашиш ва тадбиркорлик субъектлари томо-
нидан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун қўлай
шарт-шароитлар яратиб буйича изчил ишлар олиб борилди.

Шу билан бирга, божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш-
нинг амалдаги тизими рақобатнинг бозор принциплари ривож-
ланишини рағбатлантирмапти. Хусусан, олиб кириладиган то-
варларга нисбатан божхона тўловларини тўлаш буйича ҳаддан
ташқари кенг имтиёзлар берилиши тариф жиҳатдан самарали
тартибга солиш имконини бермаяпти, ваҳоланки, шахсий пре-
ференциялар тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун
тенг бўлмаган рақобат шароитларини яратмоқда.

Рақобатбардор ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга, со-
лом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга, юқори қўшилган
қийматга эга маҳсулотлар экспортини рағбатлантиришга, ички
бозорни сифатли истеъмол маҳсулотлари билан таъминлашга
қаратилган божхона-тариф жиҳатдан тартибга солишнинг са-
марали тизимини шакллантириш мақсадида:

1. Қўйидагилар божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш
тизимини янада тақомиллаштиришнинг асосий принциплари
этиб белгилансин:

Бож тарифларининг тартибга солиш функцияларини иқти-
содиёт тармоқларини ривожлантиришнинг қўшилган қиймат
глобал занжирига уйғун интеграциялашувга йўналтирилган
устуворликларидан келиб чиққан ҳолда кучайтириш;

ташқи иқтисодий фаолиятни тариф жиҳатдан тартибга со-
лиш тизимини илғор хорижий тажрибани, халқаро принциплар
ва нормаларни инобатга олган ҳолда тақомиллаштириш;

маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни республикада ишлаб
чиқарилмайдиган ёхуд етарли бўлмаган ҳажмда ишлаб чиқ-
ариладиган ҳамда экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб
чиқаришда фойдаланиладиган ҳом ашё ва материаллар билан
таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш мақсадида замон-
навий технологиялар ускуналар ва техникаларни олиб кириш учун
қўлай шарт-шароитларни таъминлашни сақлаш, шунингдек,
маҳаллий ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта
жиҳозлаш, инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш жа-
раёнларини янада жадаллаштириш;

божхона расмийлаштируви чоғида тури, мақсади, хусусияти
ва таркиби буйича ўхшаш, ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар
номенклатура коди буйича яқин бўлган товарларни божхона
тўловларининг пастроқ ставкалари қўлланиладиган позицияга
таъсифлаш ҳўлатларини бартараф этиш мақсадида ушбу то-
варларга божхона тўловлари ставкаларини унификация қилиш;

акциз солиғига тортиладиган товарларга акциз солиғи
ставкаларини унификация қилиш, унн иснон солиғи ва атоф-
муҳит учун зарарли бўлган товарларга нисбатан қўллаш.

2. Қўйидагилар:

импорт божхона божлари ставкалари 1-иловага** мувофиқ;
Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган, акциз
солиғига тортиладиган товарларга акциз солиғи ставкалари
2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, ушбу банд билан тасдиқланаётган ставка-
лар 2019 йил 1 январдан эътиборан амалга кириталади.

3. 2018 йил 1 сентябрдан эътиборан шундай тартиб бел-
гилансинки, унга мувофиқ:

чегара божхона постларида божхона органлари томонидан
божхона назоратини ўтказиш чоғида ветеринар, фитосани-
тар, экологик ва санитар-эпидемиологик назорат ҳам амалга
оширилади;

Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган, Иқтисодий
ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо давлатларнинг
аккредитациядан ўтган органлари томонидан мувофиқлик
сертификатлари берилган товарларга нисбатан мувофиқлик-
ка мажбурий сертификатлаштиришни амалга ошириш талаб
этилмайдиган;

товарларнинг «эркин муомалага чиқариш (импорт)» режими-
га божхона расмийлаштируви учун товарларни давлат тилида
мажбурий маркировка қилиш талаб этилмайди;

«божхона омонбери» режимида олти ойдан кўп бўлган то-
варларнинг божхона расмийлаштируви чоғида Ўзбекистон
Республикаси Президенти ҳафта Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан божхона тўловлари
юзасидан тақдим этилган имтиёзлар қўлланилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси манфаат-
дор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда:
республикага товарлар олиб киришда божхона тўловлари
буйича имтиёзларни бекор қилиш юзасидан тақлифлар кири-
тилишини;

товарларни реализация қилишнинг қўлайлигини таъминлаш
учун чегара ҳудудларда савдо мажмуаларини ташкил этиш
буйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилишини;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг
веб-сайтида товарларнинг божхона чегараси орқали ҳаракати
режимини тартибга солувчи барча норматив-ҳуқуқий ҳужжат-
лар, товарларнинг божхона расмийлаштируви учун зарур
бўлган ҳужжатлар, ҳар бир товарга мос равишда божхона
божлари ставкалари, ушбу ҳужжатларни берувчи органлар
тўғрисидаги батафсил ахборотни, шунингдек, ташқи иқтисод-
ий фаолиятни амалга ошириш учун бошқа маълумотларни
реал вақт режимида бепул асосда олиш имконини беради-
ган «Интеграциялашган тариф» интерактив хизмати жорий
этилишини;

б) икки ой муддатда:

«Интеграциялашган тариф» интерактив хизмати орқали
тақдим этиладиган ахборотнинг, жумладан, санитар-каран-
тин, фитосанитар ва ветеринар назорати буйича, руҳсатнома
бериш хусусиятига эга бўлган бошқа ҳужжатлар тўғрисидаги
талабларнинг тўлиқ рўйхати;

«Интеграциялашган тариф» интерактив хизмати орқали
тақдим этиладиган ахборотни ўз вақтида янгилаб бориш буйича
тегишли вазирлик ва идораларнинг ушбу ахборотни ўз вақтида
янгилаб бормаганлиги ҳамда сифатсиз янгилаб борманлиги
учун жавобгарлигини назарда тутган ҳолда, технологик йўриқ-
нома ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини;

в) «Интеграциялашган тариф» интерактив хизматининг
узлуқсиз ишлашини ва ахборот ҳавфсизлигини таъминласин.
5. Белгилансинки, тадбиркорлик субъектлари томонидан
ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш чоғида давлат
органларига «Интеграциялашган тариф» интерактив хизма-
тида назарда тутилмаган маълумот ва ҳужжатларни талаб
этиш ман этилади.

*Ушбу қарор «Халқ сўзи» газетасининг 30.06.2018 йилдаги 132 (7090)-сонида расман чоп этилган.

**1–2-иловалар берилмайдиган. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТда ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

6. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бош прокуратура билан биргаликда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг нарх-наво юзасидан ўзаро тил бириктириш ҳолатларини ҳамда соғлом рақобатни чеклайдиган келишилган ҳаракатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш механизмлари самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўрсин.

7. Қўйидагилар 2019 йил 1 январдан эътиборан ўз кўчини йўқотган деб топилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-3303-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-3454-сонли қарорининг 12⁻илловаси.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси маюфатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мадатда қонун ҳўжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ш.МИРЗИЕЕВ.**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 29 июнь.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**

**«ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР» ДАСТУРИ ДОИРАСИДА КРЕДИТЛАР
АЖРАТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА***

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2018 йил 9 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3022**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳўжатлари тўплами», 18.06.2018 йилдаги 12 (824)-сон, 486-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Микромолиялаш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низоми иловасига мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кўчга қиради.

**Марказий банк раиси в.в.б.
Т.ИШМЕТОВ.**

Тошкент ш.,
2018 йил 8 июнь
20/1-сон.

*Ушбу қарор Қонун ҳўжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 9.06.2018 йилда расман эълон қилинган.

**ЎзР МБ Бошқарувининг
2018 йил 8 июндаги 20/1-сон қарорига
ИЛОВА**

**«ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР» ДАСТУРИ ДОИРАСИДА КРЕДИТЛАР АЖРАТИШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

Мазкур Низоми Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Микромолиялаш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сон «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги қарорига (бундан буён матнда Қарор деб юритилади) асосан «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури (бундан буён матнда дастур деб юритилади) доирасида тижорат банклари томонидан кредитлар ажратиш тартибини белгилайди.

1-БОБ. УМУМий ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низомида қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

дастур координаторлари – Қарорга асосан дастур амалга оширилишини мувофиқлаштириш, тизимли мониторинг қилиш ва рўйбга чиқарилишига кўмаклашиш мақсадида белгиланган маъсул шахслар;

ташкيلي мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар – Қарорга асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида дастур доирасида амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш бўйича тузиладиган ишчи гуруҳлар;

махсус ишчи гуруҳлар – Қарорга асосан инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда туризми ривожлантириш масалаларига маъсул бўлган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари раҳбарлигида аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тавсиялар бериш бўйича тузиладиган ишчи гуруҳлар;

худудий ишчи гуруҳлар – Қарорга асосан туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида тадбиркорлик фаолияти ташкил этишга амалий ёрдам бериш ҳамда мониторинг қилиш бўйича тузиладиган ишчи гуруҳлар;

кредит линияси – тижорат банклари билан дастур доирасида ресурс ажратувчи молия институтлари ўртасида тузилган шартномаларга (Бош қелишувга) асосан қарз олувчиларга кредит ажратиш учун очилган кредит линиялари;

қарз олувчилар – тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган жисмоний шахслар, шунингдек кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган яхка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда оилавий тадбиркорлик субъектлари;

микрокредитлар – энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача миқдорда – оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш учун, энг кам иш ҳақининг 1000 бараваригача миқдорда – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар.

2. Дастур доирасида қарз олувчиларга Қарорда назарда тутилган ресурслар ҳисобидан кредитлар ажратилади.

2-БОБ. ДАСТУР ДОИРАСИДА КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИ ҲИСОБИДАН ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР АЖРАТИШ

3. Дастур доирасида имтиёзли кредитлар қарз олувчиларга тадбиркорлиқни йўлга қўйиш ёки ривожлантириш мақсадлари учун ажратилади.

4. Кредитларнинг фойз ставкаси йиллик 7 фойз миқдорда белгиланади. Бунда кредит линияси 3 фойзини, банк маржаси 4 фойзини ташкил этади.

5. Мазкур кредитлар банк балансида алоҳида ҳисобварақларда юритилади.

6. Кредитлар қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида берилади.

7. Кредитлар: илгари олинган кредитларни ёки қар қандай бошқа қарзларни қайтариш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш; савдо-воситачиликни амалга ошириш; умумий овқатланиш ташкилотларининг айланма маблағларини шакллантириш;

ишлаб чиқариш мақсадлари учун ишлатилмайдиган шахсий мулкни сотиб олиш;

маъмурий харажатларни тўлаш, жумладан хизмат автомабиллари таъминоти;

мебель, уяли телефон сотиб олиш, шунингдек алоқа хизматларига тўлов мақсадлари учун ажратилмайдиган.

8. Микрокредитлар 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилади.

9. Кредитлар ишбу кредит ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳанинг бизнес-режасига мувофиқ ўзини ўзи қоплаш жиҳатларидан келиб чиқиб 2 йилгача имтиёзли давр билан 5 йил муддатгача ажратилиши мумкин. Бунда берилмаётган имтиёзли давр ва кредитни қайтариш муддати батафсил асослантирилиши керак.

10. Айланма маблағларни тўлдиришга имтиёзли кредитлар 18 ой муддатгача револьвер кредит тарзида ажратилади.

3-БОБ. КРЕДИТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

11. Қарз олувчи – жисмоний шахслар кредит олиш учун банкка қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ариза;

паспорт нусхаси;

жисмоний шахсларга кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарлари (бундан бўён матнда секторлар раҳбарлари деб юритилади) ва маҳалла фуқаролар йиғини томонидан оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш учун бериладиган имтиёзли кредитлаш бўйича тавсиянома.

12. Қарз олувчи – жисмоний шахсларга кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида секторлар раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғини томонидан оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш учун бериладиган имтиёзли кредитлаш бўйича тавсиянома қабул қилинади.

Бунда тижорат банклари кредитнинг қайтмаслик хатарини суғурталайди.

13. Қарз олувчи – кичик тадбиркорлик субъектлари кредит олиш учун банкка қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ариза;

бизнес-режа,

тегишли давлат солиқ инспекциясига охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл), 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл), янги ташкил этилган юридик шахслар ҳамда яхка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган деҳқон хўжаликлари бундан мустасно.

14. Қарз олувчи – кичик тадбиркорлик субъектлари кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида банкка қўйидаги таъминот турларидан бирини тақдим этади:

учинчи шахс кафилиги;

суғурта полислари;

кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар;

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг (бундан бўён матнда Жамғарма деб юритилади) кафилиги;

қонун ҳужжатлари доирасидаги бошқа таъминот турлари.

15. Тижорат банклари ўзларининг ички кредит сиёсатиға мувофиқ қарз олувчи – кичик тадбиркорлик субъектларига мазкур Низомнинг 14-бандида назарда тутилган таъминот турларини талаб қилмасдан энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача бўлган миқдорда бланкли (ишончли) микрокредит бериш ҳуқуқига эга.

Бунда банкка қарз олувчи томонидан муайян даромадга эгалигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади, банк томонидан олинган микрокредитни қайтармаслик хатари суғурта қилинади.

4-БОБ. ДАСТУР КООРДИНАТОРЛАРИ ХУЛОСАСИ АСОСИДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР АЖРАТИШ

16. Туман ва шаҳарларда самарадорлиги юқори ва барқарор иш ўринлари яратиш имконияти мавжуд лойиҳаларга (бундан бўён матнда самарали лойиҳалар деб юритилади) дастур доирасидаги ресурслар ҳисобидан энг кам иш ҳақининг 1 000 бараваридан ортиқ миқдорда йиллик 7 фойз ставкада имтиёзли кредит ажратилиши мумкин.

17. Самарали лойиҳалар тегишли ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан танлаб олинади ва ушбу лойиҳанинг ҳақиқатда мазкур ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти қайд этилган ҳолда имтиёзли кредитлашга ҳуқуқ таъйинланади ва ҳуқуқ ишчи гуруҳларнинг барча аъзолари томонидан имзоланади.

18. Ҳудудий ишчи гуруҳларнинг самарали лойиҳани амалга ошириш бўйича ҳуқуқсози ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларга имтиёзли кредит ажратиш учун қарор қабул қилишга тақдим этилади.

19. Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар ҳудудий ишчи гуруҳларнинг ҳуқуқсози асосида қарор қабул қилишдан олдин, самарали лойиҳани жойида тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда батафсил ўрганиши шарт.

20. Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар томонидан самарали лойиҳани имтиёзли кредитлаш бўйича қарор қабул қилишга қуйидагилар асослантирилиши зарур:

самарали лойиҳанинг тегишли ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти;

самарали лойиҳа ташаббускорининг лойиҳани амалга оширишдаги тажрибаси, обрўси;

банк орқали амалга оширган пул айланмаси қисқадори, дебитор ва кредитор қарздорликлари, кредит тарихи;

самарали лойиҳани амалга ошириш натижасида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажми, яратиладиган янги иш ўринлари.

21. Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларнинг самарали лойиҳани имтиёзли кредитлаш бўйича қарори дастур координаторларига яқин ҳуқуқсози асосида қарор қабул қилинади.

22. Дастур координаторлари самарали лойиҳани имтиёзли кредитлашга рухсат бериш бўйича ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларнинг қарори асосида яқин ҳуқуқсози чиқарилади ва ижобий ҳуқуқсози берилгандан сўнг ушбу ҳуқуқсози тегишли хизмат кўрсатувчи тижорат банкига тақдим этилади.

23. Тижорат банки дастур координаторларининг самарали лойиҳани имтиёзли кредитлашга берган ҳуқуқсози мувофиқ банкнинг ички кредит сисъати асосида кредит ажратиш масаласини қўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилади.

5-БОБ. ДАСТУР ДОИРАСИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН КРЕДИТ АЖРАТИШ

24. Дастур доирасида тижорат банклар томонидан ўз маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитлар Жамғарманинг хизматларидан кенг фойдаланилган ҳолда ажратилиши мумкин.

25. Тижорат банклари филиаллари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга кредитлар ажратилганда Жамғарманинг фоиъ харажатларини қоплаш учун компенсацияси қабул қилинади.

Бунда, ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар Жамғармани бошқариш бўйича Кенгашга тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар бўйича фоиъ харажатларини қоплаш учун компенсация бериладиган йўналишларни кенгайтириш юзасидан тақлифлар киритиб боради.

26. Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларнинг тақлифларини қўриб

чиқиб, банк кредитлари бўйича фоиъ харажатларини қоплаш учун компенсация Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш томонидан тасдиқланган тадбиркорлик фаолиятининг устувор йўналишларига ва ставкаларга мувофиқ берилади.

6-БОБ. КРЕДИТ АЖРАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ АРИЗАЛАРИНИ ҚЎРИБ ЧИҚИШ

27. Қарз олувчининг аризаси келиб тушган кундан бошлаб, тижорат банки томонидан уч иш кунидан ошмаган муддатда ушбу ариза бўйича асослантирилган қарор қабул қилинади.

28. Кредит бериш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинганда, қарз олувчи ва тижорат банки ўртасида кредит шартномаси тузилади.

29. Тижорат банкнинг қарори кредит бериш ёки уни бериш рад этиш учун асос ҳисобланади.

30. Тижорат банки кредит беришни рад этган тақдирда, банк қарз олувчига ҳамда тавсифнома берган тегишли секторлар раҳбарларига ва маҳалла фуқаролар йиғинига бу ҳақда кейинги иш кунидан кенчиктирмаган ҳолда ёзма шаклда асослантирилган маълумот тақдим этади.

31. Дастур доирасидаги ресурслар ҳисобидан имтиёзли кредит ажратишда тижорат банкнинг маълум бир филиалида маблағлар етишмаган тақдирда бошқа бир филиалида мавжуд маблағлар тижорат банкнинг вилоят бўлинмаси томонидан туман ва шаҳар филиалларига қайта тақсимланади.

7-БОБ. КРЕДИТЛАРНИ АЖРАТИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТАРИШ

32. Кредитлар қарз олувчига алоҳида кредит ҳисобварағи очил ва унинг тўлов топшириқномаларига мувофиқ, ушбу ҳисобварақдан нақд пулсиз шаклда пул ўтказиш йўли билан берилади.

33. Қарз олувчи – жисмоний шахсларга имтиёзли микрокредитлар ажратилаётган лойиҳанинг ўзига хос жиҳатлари, кредит ҳисобига олинган товарни пул ўтказиш йўли билан сотиб олиш имконияти бўлмаган ҳолда ҳудудий ишчи гуруҳларнинг бу ҳақидаги ҳуқуқсози асосан микрокредитнинг бир қисми нақд пулда берилиши мумкин.

34. Қарз олувчи кредит ҳамда унга ҳисобланган фоиъларни нақд пулда, банк пластик картчалари орқали ёки қарз олувчининг ҳисобварағидан пул ўтказиб бериш йўли билан тўлаши мумкин.

35. Олинган кредитдан бошқа мақсадда фойдаланилганлик аниқланган тақдирда, банк кредит шартномасида белгиланган тартибда кредитнинг мақсадсиз ишлатилган қисмини қарз олувчидан муддатидан илгари ундириб олиш ҳуқуқига эга.

36. Қарз олувчи – жисмоний шахслар томонидан кредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоиълар тўланмаган тақдирда, банк филиали тавсиянома берган тегишли сектор раҳбарларига ва маҳалла фуқаролар йиғинига амалий ёрдам сўраб мурожаат қилиши зарур.

8-БОБ. ЯҚУНИЙ ҚОИДА

37. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.



«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани, Тақтимаржон кўч., 1/1. Тел: (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 9 ИЮНДАН 22 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 8 июндаги 20/1-сон «Хар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 9 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3022.

2. Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасининг 2018 йил 12 июндаги 01-02/3-44-сон «Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-банди оптикчи хатбошисига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2659-2.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 26 майдаги 19/ 10-сон «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2093-9.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 30 майдаги 36, 30, 16-қ/қ-сон «Фуқароларни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан боғлиқ бўлган ишларга жалб этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2040-1.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 21 апрелдаги 15/1-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида аудиторлик текширувларини ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 982-3.

6. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2018 йил 29 майдаги 190-сон «Маҳсулотларни сертификатлаш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1458-4.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 31 майдаги 01-02/12-42-сон «Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайти-

гача божхона органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2418-4.

8. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 8 июндаги 6-сон «Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва ҳужжатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2521-1.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 11 июндаги 2018-52-сон «Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3023.

10. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 25 майдаги 25-қ, 01/15-10/12-сон «Ижро ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3024.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 11 майдаги 97, 1811, 2018-44-сон «Қўшилган қиймат солиғидан озод этилаётган молиявий хизматларга тааллуқли операциялар рўйхатининг 5-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2460-1.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 11 июндаги 31, 45-сон «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талаблар тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 22 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1048-2.

II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг «Фуқароларни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан боғлиқ бўлган ишларга жалб этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2040, 2009 йил 16 ноябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 13 июндаги 319-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Маъзур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.



ЛБМА қошидаги Марказда экспертизадан ўтказиш арзонлашди

Президентнинг 20.06.2018 йилдаги «Инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни жадал амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3794-сон қарори эълон қилинди.

Биринчидан, белгиланишича, Президентнинг 20.02.2018 йилдаги «Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3550-сон қарорининг амал қилиши халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларга нисбатан татбиқ этилмайди. Бундай ҳолатларда Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказида (бундан кейин – **Марказ**) ҳужжатларни ўтказиш мажбурий ҳисобланмайди.

Иккинчидан, инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларнинг лойиҳаолди ҳужжатлари таркибидан

молиявий-иқтисодий ҳисобот чиқариб ташланди. Энди уни ишлаб чиқиш, экспертизага жўнатиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш зарур эмас.

Учинчидан, Марказ бепул экспертизадан ўтказадиган ҳужжатлар рўйхати кенгайтирилди. Қуйидагилар қўшилди:

➤ инфратузилмавий лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари, шунингдек Президент ва Ҳукуматнинг қарорлари асосида амалга ошириладиган лойиҳалар;

➤ давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тарақиёт жамғармаси маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қафолати остида жалб

этиладиган кредитлар (қарзлар) ҳисобидан амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) давлат харидлари бўйича тендер ҳужжатлари ва импорт контрактлари.

Тўртинчидан, Марказда лойиҳаларнинг ДТИА/ДТИХ ва ТИА/ТИХни экспертизадан ўтказиш қиймати пасайтирилди. Энди у контракт қийматининг 0,030%ини ташкил этади. Бироқ экспертиза қийматининг энг қуйи ва энг юқори чегаралари ҳам мавжуд – эквивалентда 4 минг АҚШ долларидан кам ва 50 минг АҚШ долларидан кўп эмас.

Бешинчидан, Марказда барча такрорий экспертизалар бепул ўтказилади. Натижада камчиликлар бартараф этилгандан кейин ҳужжатларни экспертизага такроран тақдим этиш муддатлари белгиланмайдиган бўлди. Бундан ташқари, Марказ контракт, импорт контракти ва/ёки қўшимча битим ҳамда рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан бошлаб қўпи билан 5 кунда (илгари 10 кунда) контрактларни экспертизадан ўтказишга да рўйхатга олади.

1 сентябрдан божхона расмийлаштируви соддалашади

Президентнинг 29.06.2019 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан шундай хулоса келиб чиқади. Ҳужжат Ўзада жойлаштирилган.

2018 йил 1 сентябрдан божхона расмийлаштируви тартибига тузатиш киритилади.

Биринчидан, чегара божхона постларида божхона органлари томонидан божхона назорати ўтказилганда ветеринар, фитосанитар, экологик ва санитар-эпидемиологик назорат ҳам амалга оширилади.

Иккинчидан, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига (ИХРТ) аъзо давлатларнинг аккредитациядан ўтган органлари томонидан мувофиқлик сертификатлари берилган, Ўзбекистонга олиб қилинган товарларга нисбатан мажбурий мувофиқлик сертификатлаштиришни амалга ошириш талаб этилмайди.

Учинчидан, товарларнинг «эркин муомалага чиқариш (импорт)» режимига божхона расмийлаштируви учун товарларни давлат тилида мажбурий маркировка қилиш талаб этилмайди.

Тўртинчидан, «Божхона омбори» режимда 6 ойдан кўп бўлган товарларнинг божхона расмийлаштирувида Президент ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан божхона тўловлари юзасидан тақдим этилган имтиёзлар қўлланилмайди.

Бундан ташқари, кўрсатилган санага қадар ДБК сайтида «Интеграциялашган тариф» интерактив хизмати жорий этилади. Унинг ёрдамида товарларнинг божхона чегараси орқали ҳаракати режимини тартибга солишчи барча норматив ҳужжатлар, товарларнинг божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган ҳужжатлар, ҳар бир товарга мос равишда божхона божлари ставкалари, ушбу ҳужжатларни берувчи органлар тўғрисидаги батафсил ахборот ва бошқа маълумотларни реал вақт режимда бепул асосда олиш мумкин бўлади.

«Интеграциялашган тариф» интерактив хизмати



орқали тақдим этиладиган ахборотнинг, жумладан санитар-карантин, фитосанитар ва ветеринар назорати бўйича, рухсатнома бериш ҳусусиятига эга бўлган бошқа ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши тўғрисидаги талабларнинг тўлиқ рўйхати 2 ой муддатда тасдиқланади.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан ташқи иқтисодий фаолият амалга оширилганда давлат органларига «Интеграциялашган тариф» интерактив хизматида назарда тутилмаган маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиш ман этилади.

Ноқонуний турар жойларни эътироф этиш ишлари бошланди

Вазирлар Маҳкамасининг 21.06.2018 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида» 2018 йил 20 апрелдаги ПФ–5421-сон Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида»ги 461-сон қарори қабул қилинди.

Эслатиб ўтамиз, 1.05.2019 йилга қадар Ўзбекистонда жисмоний шахсларнинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан қурилган турар жойларига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик акция ўтказилмоқда. Акция кўп қаватли уйларга, уларга тўташиб кетган ер участкаларида ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга, шунингдек нотурар жойларга нисбатан татбиқ этилмайди. Фармон қабул қилингандан кейин ўзбошимчалик

билан қурилган иморатлар эътироф этилмайди. Бунинг устига, бир марталик акциянинг амал қилиш муддати тугагандан кейин ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкинлиги тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормалари бекор қилинади (ФКнинг 212-моддаси).

Қабул қилинган ҳужжатда акцияни ўтказиш тартиб-таомиллари белгиланган.

Мулк ҳуқуқи эътироф этилиши учун фуқаро давлат хизматлари маркази орқали туман (шаҳар) ҳокимининг номига ариза билан мурожаат қилади. Мурожаат этувчи аризани ўз имзоси билан тасдиқлайди. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

➤ мурожаат этувчининг паспорти нусхаси;

➤ мурожаат этувчининг оила аъзолари ҳақида, шунингдек ер участкасига эгалик қилган муддатлари ва иморат қурилган вақт тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномалари.

Мурожаат этувчидан бошқа маълумотларни ва бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

Давлат хизматлари маркази ходими ҳужжатлар олинган тўғрисида тилхат беради ёки рўйхатдан ўтказиш рақамини кўрсатган ҳолда ариза нусхасида бу тўғрисида тегишли ёзувни қайд этади. Кўриниб турганидек, аризани қабул қилганлик ва кўриб чиқиш учун ҳеч қандай йиғим тўланмайди (кейинчалик ижобий қарор қабул қилинганда 5 ЭКИХ миқдорида йиғим тўланади).

Ҳужжатлар пакети давлат хизматлари маркази ходими томонидан сканерланади ва 1 соат мобайнида ахборот тизими орқали Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг туман (шаҳар) филиалига юборилади.

Филиал вакили 3 иш куни мобайнида жойга чиққан ҳолда ўзбошимчалик билан қурилган иморатни ўрганиб, унинг планини шакллантиради, уни ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) комиссиясининг (бундан кейин – **комиссия**) аъзоларига юборади. Комиссияга ҳокимнинг саноатни ривожлантириш, капитал қуриш, коммунал хўжалик ва коммунал хўжалиги бўйича ўринбосари бошчилик қилади.

Комиссия аъзолари 5 календарь кун мобайнида иморатни жойга борган ҳолда ўрганадилар ва филиалга ўз хулосаларини (маълумотномаларини) тақдим этадилар:

➤ **туман (шаҳар) ер тузиш ва давлат кадастри бўлими бошлиғи** – ўзбошимчалик билан қурилган иморат жойлашган ер участкаси қонун ҳужжатларига мувофиқ турар жой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган ер майдонида жойлашгани/жойлашмагани тўғрисида;

➤ **туман (шаҳар) қурилиш бўлими бошлиғи** – ўзбошимчалик билан қурилган иморат бош режа ва унинг қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларига (мавжуд бўлганда), қишлоқ фуқаролари йиғинлари ҳудудларини меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига (мавжуд бўлганда) зид равишда, шунингдек муҳофаза зоналарида жойлашгани/жойлашмагани, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг бошқа талаблари бузилгани/бузилмагани тўғрисида;

➤ **туман (шаҳар) экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи** – ўзбошимчалик



Ноқонуний турар жойларни эътироф этиш ишлари бошланди

7-бетда билан қурилган иморат жойлашган ер участкаси турар жой қуриш учун ажратиши мумкин бўлмаган муҳофаза этиладиган ҳудудда жойлашгани/жойлашмагани, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни жойлаштиришда табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилгани/риоя этилмагани тўғрисида;

➤ **туман (шаҳар) давлат бош санитария врач**и — ўзбошимчалик билан қурилган иморат ва у жойлашган ер участкасида санитария нормалари ва қоидаларига риоя қилингани/риоя қилинмагани тўғрисида;

➤ **туман (шаҳар) ички ишлар бўлими** — ўзбошимчалик билан қурилган иморатдан фойдаланувчи ва унинг оила аъзолари қайси манзилда рўйхатдан ўтганлиги ёки рўйхатдан ўтмаганлиги тўғрисида;

➤ **туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси** — ўзбошимчалик билан қурилган иморатдан фойдаланувчида мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича қарздорлик борлиги/йўқлиги тўғрисида;

➤ **туман (шаҳар) ёнгин хавфсизлиги инспектори** — ўзбошимчалик билан қурилган иморат ва у жойлашган ер участкасида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилингани/риоя қилинмагани тўғрисида.

Хулосалар қонун ҳужжатлари нормалари билан асосланган, масъул мансабдор шахслар томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Ўзбошимчалик билан қурилган иморат магистрал қувурлар, темир йўл ва автомобиль йўллари, электр қуввати узатиш ва алоқа линиялари, қуриқланадиган муҳофаза зоналари, сув муҳофазаси ва санитария-химия зоналарида, шунингдек аэродромлар, чиқиндилар ва бошқа захарли моддаларни қўмиш жойлари яқинида жойлашганда, комиссия аъзолари

тегишли ҳудудлар ва иншоотлардан фойдаланувчи ташкилотлардан маълумотномаларни (хулосаларни) сўраб олишга ҳақли. Бундай сўровномага 3 календарь кунда жавоб берилиши керак.

Бу — муҳим! Фуқаролар ўртасида низолар бўлса, уни ҳал қилиш комиссия ваколатига қирмайди. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатнинг эгаси фақат низо қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳал қилингандан кейин ва фақат бир марталик акция тугагунга қадар унга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этишни сўраб мурожаат қилиши мумкин.

Комиссия ишчи органи 3 календарь кун мобайнида унинг аъзоларининг хулосаларига (маълумотномаларига) асосан ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкин/мумкин эмаслиги тўғрисида далолатнома расмийлаштиради. Далолатнома комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

Қўйидагиларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этилмайди:

➤ бош режа ва унинг қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларига, қишлоқ фуқаролари йигинлари ҳудудларини меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига (мавжуд бўлганда) зид равишда жойлашган иморатларга;

➤ магистрал қувурлар, темир йўл ва автомобиль йўллари, электр қуввати узатиш ва алоқа линиялари, қуриқланадиган муҳофаза зоналари, сув муҳофазаси ва санитария-химия зоналарида, шунингдек аэродромлар, чиқиндилар ва бошқа захарли моддаларни қўмиш жойлари яқинида жойлашган иморатларга;

➤ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда, шунингдек табиий хавфи юқори бўлган ҳудудда жойлашган иморатларга;

1 июлдан БЮДни тўлдириш тартибига қандай ўзгартириш киритилади

Давлат божхона қўмитасининг қарори (АВ томонидан 25.06.2018 йилда 2773-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага тузатишлар киритилди.

Шу йилнинг 1 июлидан жорий этилаётган асосий ўзгартиришларни қайд этиб ўтамиз.

Биринчидан, декларант божхона брокерларига мурожаат қилмасдан БЮДни тўлдириши ва ўз номидан, ш.ж. Интернет орқали электрон шаклда, реал вақт режимида божхона органларига тақдим этиши мумкин.

Иккинчидан, электрон шаклдаги БЮД тўғри тўлдирилганлигини дастлабки текшириш тартиби белгиланди. Уни ДБКнинг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими дастлабки мантқий назорат воситасида амалга оширади.

Камчиликлар аниқланса, тизим реал вақт режимида бу ҳақда декларацияловчи шахсга аниқланган камчиликлар кўрсатилган электрон хабарнома юборади.

Текширув ижобий натижа берса, БЮД онлайн-рўйхатдан ўтказиш йўли билан расмийлаштириш учун қабул қилинади.

Учинчидан, энди БЮД рақами учта (илгари —



тўртта) элементдан ташкил топади. Мутахасссининг малака аттестати берилган йил ва унинг рақами ўрнига декларацияловчи шахснинг СТИРи кўрсатилади.

Самир Латипов, Олег Заманов, Лена Хикматова, «Norma» МЧЖ экспертлари.

➤ иморат шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини бузиб қурилган бўлса, унинг сақлаб қоллиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қуриқланадиган манфаатларини бузса ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирса.

Далолатномада ўзбошимчалик билан қурилган иморатни эътироф этиш мумкинлиги кўрсатилган бўлса, шу кунгег 5 ЭКИХ миқдорида йигим тўлаш учун ҳисобварақ-фактура шакллантирилади. Мурожаат этувчи 4 иш кун мобайнида тўловни амалга оширади (муддатда тўланмаган тақдирда эътироф этиш ишлари тўхтатиб турилади, бироқ бир марталик акция тугагунга қадар йигимни тўлаб, уларни тиклаш мумкин).

Йигим тўлангандан кейин 2 календарь кун мобайнида ишчи органи ўзбошимчалик билан қурилган иморатни эътироф этиш тўғрисида туман (шаҳар) ҳокимининг қарори лойиҳасини тайёрлайди. Қарор қабул қилиш учун 2 иш кун берилади. Унда шахсга ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам кўрсатилади. Қарор мурожаат этувчига давлат хизматлари маркази орқали 1 иш кун мобайнида юборилади. Марказ ўз муҳри билан тасдиқланган қарорни мурожаат этувчига тақдим этади.

Комиссия далолатномада ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкин эмаслиги тўғрисида хулосага келган бўлса, шу кунгег рад этиш асослари кўрсатилган тегишли хатни давлат хизматлари маркази орқали мурожаат этувчига юборади. Хатда камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилади. Марказ хат тушгандан сўнг 1 соат мобайнида мурожаат этувчини бу ҳақда хабардор қилади. Рад жавоби берилган хат марказнинг муҳри билан ҳам тасдиқланади.

Камчиликларни бартараф этган фуқаро ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан ҳуқуқини эътироф этишни сўраб яна мурожаат қилишга ҳақли. Бир марталик акция муддати тугагунга қадар шундай қилишга рухсат берилади. Комиссия қарори устидан юқори турувчи комиссияга (вилоят ёки республика даражасидаги) ёхуд судга шикоят қилиш мумкин.

Тўртинчидан, янги тахрирда қўйидаги Таснифлагишлар (Йўриқномага иловалар) берилган:

- божхона постлари;
- битим хусусияти;
- преференциялар, имтиёзлар ва божхона тўловларини тўлашнинг бошқа хусусиятлари;
- товарларни олиб ўтиш хусусиятлари;
- БЮДни тўлдиришда фойдаланиладиган ҳужжатлар ва маълумотлар турлари;
- божхона тўловлари.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 1.07.2018 йилдан кучга кирди.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов — исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат.
Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНОВ

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш. Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, қитиолаб,
газеталарнинг электрон версияларини
эпказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича — 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашр — «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр қўрсатиқ — 186. Қўроғи бағим — А3. Ҳажми — 2 босма табоқ. Баҳоси келтирилган нарҳда.
Буғуртма 304. Адади 825. Газета 2018 йил 2 июль соат 15.30 да топширилди.